

СУРХОНДАРЁ ОКРУГИДА ҚЎЙЧИЛИК СОҲАСИНИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИГА ОЛИШ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРИЛГАН ЧОРА ВА ТАДБИРЛАРИ: НАТИЖАЛАР ВА МУАММОЛАР

Қосимов Абдисаттор Чориевич,
Термиз давлат университети Жаҳон
тарихи кафедраси тадқиқотчиси.
E-mail: abdisattorqosimov@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада совет даврида қўйчилик соҳасини давлат назоратига олиш бўйича бир қанча амалга оширилган чора ва тадбирлари, Ўзбекистоннинг жануби, Сурхондарё округида ташкил этилган қўйчилик совхозлари фаолияти, қорақўл қўйлари, қўйчилик соҳасини совет давлати томонидан ривожлантиришдан асосий мақсади, насли қўзилар етиштиришда Қумқўрғон районида тери ошлаш заводининг аҳамияти ҳақида, Бутуниттифок қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси, халқаро мўйна аукциони ташкил этилиши, зотдор қўйларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, Ўзбекистонда қўй маҳсулотининг таннархи ҳақида, хисори қўйлар маҳсулдорлиги, қўзилатиш мавсумларининг бориши борасидаги ишлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Сурхондарё округи, чорва моллари, ем-хашак, жун, гўшт маҳсулотлари, зотли қўчқор, майин қорақўл териси, қорақўл қўйлар, совхозлар, қўй терилари, мўйналар, сур қорақўл терилари, қорақўлчилик совхозлари, хисори қўйлар.

Аннотация: В данной статье рассмотрен ряд мер и мероприятий, предпринятых в советский период по постановке овцеводческой отрасли под государственный контроль, деятельность государственных овцеводческих хозяйств, созданных в Сурхандарьинском районе юга Узбекистана, каракольских овец, основных цель развития советским государством овцеводческой отрасли, разведение овец в Кумкурганской области, сведения о значении фабрики, организация Всесоюзной сельскохозяйственной выставки, международного пушного аукциона, повышение производительности труда племенной овец, цены на продукцию овцеводства в Узбекистане, влияние на продуктивность овец и ход сезонов ягнения.

Ключевые слова: Сурхандарьинская область, животноводство, корма, шерсть, мясные продукты, чистопородный баран, мягкая черная овечья шкура, черная овца, совхозы, овечьи шкуры, меха, черные шкуры, овцеводческие совхозы, гисарские овцы.

Abstract: In this article, a number of measures and measures taken during the Soviet period to bring the sheep breeding industry under state control, the activities of the state sheep farms established in the Surkhondarya district of the south of Uzbekistan, Karakol sheep, the main goal of the development of the sheep breeding industry by the Soviet state, breeding sheep in the Kumkurgan region information about the importance of the factory, the organization of the All-Union Agricultural Exhibition, the international fur auction, the increase in labor productivity of breeding sheep, the price of sheep products in Uzbekistan, the effect on sheep productivity, and the progress of the lambing seasons were analyzed.

Key words: Surkhondarya region, livestock, fodder, wool, meat products, purebred ram, soft black sheep skin, black sheep, state farms, sheep skins, furs, black sheep skins, sheep breeding state farms, Hisari sheep.

Совет даврида чорвачилик, хусусан, қўйчилик соҳасини давлат назоратига олиш бўйича бир қанча чора ва тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларни Ўзбекистоннинг жануби, Сурхондарё округида ташкил этилган қўйчилик совхозлари фаолиятида кўриш мумкин.

Ёзма манбаларда Қизирик Бандихон худудларида истиқомат этган аҳоли хўжалигида чорвачилик муҳим ўрин тутганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Арабнавис муаллифлар (Ал-Яқубий, Ибн Хавқал) маълумотларига кўра Термиз вилоятида жойлашган шаҳарлардан бири Хушваранг (Хашура) чорва моллари ва жундан тайёрланган маҳсулотлари билан машхур бўлган.

Қизириқ худудининг табиий шароити чорвачилик билан шуғулланишга мос бўлиб, бу тармоқ иқтисодиётда етакчи ўринни тутган. Шу сабабли чорва молларини боқиш кўпайтириш борасида катта тажрибага эга бўлганлари ҳолда, чорва молларига оид турли хил атамаларни ҳам қўллаганлар.

Мақолада умумий қабул қилинган усуллар-тарихий таҳлил, қиёсий таққослаш, хронологик кетма-кетлик тамойиллари асосида қўйчилик соҳаси тарихи баён этилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллий аҳолини турмуш тарзини юксалтириш, моддий-турмуш даражасини ўсишга имконият яратиб бериш, чўпонлар учун замонавий уй-жойлар қуриш, моддий-маънавий соҳада тўлиқ шарт-шароитларни яратиб бериш масаласи иккинчи даражали сиёсат сифатида қабул қилинган эди.

Жарқўрғон тумани. Уруш йилларида вилоятда чорвачилик ҳам катта зарар кўрган эди. Чунки фронт ва мамлакат ичкараси эҳтиёжлари учун чорва моллари ҳисобга олинмасдан сўйиб юборилди. Бунинг устига уруш даврида чорвачилик соҳасида меҳнат қиладиган мутахассислар етишмас эди. Шунинг учун тўртинчи беш йиллик (1946-1950 йй) ва ундан кейинги беш йилликларда чорва моллари туёғини кўпайтириш, унинг наслдорлигини ошириш, ем-хашак базасини такомиллаштириш, аграр секторнинг бу муҳим тармоғи моддий базасини мустаҳкамлашдан иборат бўлди.

Чорвадорлар меҳнат мусобақасининг етакчи шакллари соғин сигирлардан олинадиган сут миқдорини ошириш, қирқиб олинадиган жун, гўшт маҳсулотларини кўпайтириш эди. 1946-1948 йилларда Жарқўрғондаги “Сурхон,” “Н.Боймуродов” ва бошқа жамоа ва давлат хўжаликларида энг яхши чорвадорлар ҳар юз бош она қўйдан 115-117 тадан қўзи олишга муваффақ бўлдилар. 1950-йилларда бир қатор хўжаликларда ем-хашак узатиш, илдизли озуқаларни ювиш ва қирқиш учун мосламалар жорий қилинди.

Электромеханик ва от кучи билан ишлайдиган юритмалар қўлланилди. Айрим чорвачилик фермалари аралаш ва дағал озуқаларни майдалаб беришга киришдилар. Сигирларни аста-секинлик билан механик соғиш жорий этилди. Қоракўлчилик хўжаликларида қўйларнинг жунини олиш учун электромеханик агрегатлар ишга туширилди. [1. 146-147 б]

“Н.Боймуродов” номли жамоа хўжалигида 1968 йил 1 январгача 18940 бош қўй ва эчкилар (шундан қоракўл қўйлар 18215 бош) бор эди. Жамоа чорвадорлари барча молларни асраш ва кўпайтириш соҳасида анчагина жонбозлик кўрсатдилар.

Жамоада зотли қўчқор ва бошқа моллар боқилди. Бу даврда донг таратган чорвадор кадрлар етишиб чиқди. А.Равшанов, Т.Рўзиев, Х.Холмуродов, Н.Ортиков, Т.Хидиров ва Э.Холмуродовлар қорамолларни боққан бўлсалар, Х.Пиримқулова, У.Аъзамовалар сут соғувчи, А.Холмуродов, М.Исроилов, А.Абдурахмонов, Н.Бакировлар жамоада чўпонлик қилдилар. [2. 26-б]

“Социализм” хўжалиги эса 1966 йил давлатга 107,5 тонна гўшт, 274 тонна сут, 20,3 тонна жун сотди. [3. 251- б]

1973 йили “Й.Охунбобоев” жамоа хўжалиги чорвадорлари чорва маҳсулотларидан 98 тонна гўшт, 315 тонна сут, 65 минг дона тухум етиштирдилар. Чорва моллари учун 475 тонна силос, 416 тонна беда пичани, 500 тонна сенаж, минг тонна дағал хашак тўпладилар. [4.]

1975 йили шу жамоа хўжалик чорвадорлари ҳар бир сигирдан 2950 кг сут, ҳар юз бош сигирдан ўнтадан бузук, юз бош совлиқдан бир юз қирқтагача қўзи, юз бош чўчкадан икки мингтагача чўчка боласи олинди. Шу йили жамоа хўжалиги чорвадорлари 150 центнер пичан, 500 центнер кўк поя, 2500 тонна силос, 400 тонна дағал хашак, 200 тонна беда тайёрлаб режаларини ортиғи билан бажардилар. [5.]

Қўйчилик соҳасини совет давлати томонидан ривожлантиришдан асосий мақсад мамлакат иқтисодиётини юқори даражага кўтариш, хорижга экспорт қилиши, маҳсулот таннархини ошириш, сифатли маҳсулот чиқаришга эътибор бериши, жаҳон кўргазмаларида иштирок этиб, юқори олий мукофотларни эгаллашдан иборат эди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки маҳаллий аҳолини турмуш тарзини юксалтириш, моддий-турмуш даражасини ўсишга имконият яратиб бериш, чўпонлар учун замонавий уй-жойлар қуриш, моддий-маънавий соҳада тўлиқ шарт-

шароитларни яратиб бериш масаласи иккинчи даражали сиёсат сифатида қабул қилиган эди. Шунга қармай маҳаллий чўпонлар, ҳамда мутахассислар қўйчиликни янада самарали ва салмоқли қилиш борасида тинимсиз амалий ишларни бажариб бориб, қўйчиликни тараккий этишига бор имкониятларни ишга солдилар. Жумладан янги қўй наслларни яратиш, ҳамда ҳосимли, гўшт берадиган қўй зотларни яратиш масаласида эътиборли ишларни бажардилар. Жумладан. Сурхондарё вилоятида ҳам сунъий нуқсонли қўзиларни сўйиш ва терини биринчи қайта ишлаш, саклаш жараёнида келиб чиқиб, сунъий нуқсонли ва ярқисиз терилар бўлмаслиги учун колхоз ва совхозларда марказлаштирилган қўзи сўйиш марказлари ташкил қилиш, бу ишга тажрибали кишиларни қўйиш тадбирлари кўрилди.[6.]

Вилоятда насли қўзилар етиштиришда хўжаликларда кўп ҳолларда эътиборсизлик қилиб келинди. Масалан, 1972 йил майда Термиз гўшт комбинатига хўжаликлардан келтирилган қўйнинг 15 тасида сўйилгандан сўнг ичидан қўзи чикди. Қўзиларнинг жуни майин қоракўл териси Қумқўрғон районида тери ошлаш заводига юборилди. Шу усулда сифатли қўй тери олиш тажрибаси йўлга қўйилиб борилди. Тажрибали чорвадор А.Абдуллаев бошчилигида бригада ташкил этилиб, унга 2894 бош совлиқ берилди. Қўйлар бўрдоқига бокилиб, улардан ҳам чала қўзилар олинди, териси топширилди.[7.]

Иттифок қўй тери етиштириш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан бири бўлди. Қўй терилари намуналари доимий равишда Бутуниттифок кишлок хўжалиги кўргазмаси (ВДНХ) да намоиш этиб турилди. 1959 йили Бойсун ва Шеробод районлардаги совхозларида етиштирилган маҳсулотлар кўргазмага қўйилди. Кўргазмада қоракўл қўйларни етиштириш жараёни, яйловлари, чўпонларнинг фотосуратлари ҳам намоиш қилинди. Шунингдек, кўргазмага кишлок хўжалиги фанлари номзоди Н.С.Гигинейшвили томонидан ихтиро қилинган платина ва бронза рангдаги қоракўл терилари ҳам намоиш этилди. Тажрибалар Қумқўрғон районидаги “Сайхон” совхозида ўтказилиб, бу турдаги қоракўл терилари Иттифокда фақат мана шу хўжаликда тайёрланди.[8. 42-49]

¹⁹⁵⁵ йил Ленинград аукционидида 700 минг дона қўй терилари сотилди. Бу маҳсулотлар асосан, Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон республикаларида етиштирилган эди.[9.24-27бетлар.] 1956 йил Ленинград шаҳрида 27-Халқаро мўйна аукциони ташкил этилиб, унда турли-туман мўйналар билан бирга насли қўйларнинг мўйналар савдоси қизғин бўлди. Аукционда 19 та давлатдан 119 та мўйна фирмаларининг вакиллари иштирок этди.[10.19-22.бетлар]

Аукционда 880 минг дона турли навдаги қўй терилари сотувга қўйилиб, унда Қозоғистон, Туркменистон қоракўл териларига нисбатан Ўзбекистон маҳсулотига хорижликлар катта қизиқиш билан қаради ва юқори баҳолади. Аукционда қозоққўй териларига умуман талаб бўлмади. Ўзбекистон хўжаликларида тайёрланган қўй терилари Туркменистон маҳсулотига нисбатан бир неча баравар юқори сотилди. Қўй терилари асосан Англия, АҚШ, Голландия, Финландия, Швейцария, Австрия, Швеция, Канада фермалари томонидан сотиб олинди.

Аукцион доирасида халқаро кўргазма ҳам ташкил этилиб, унда 900 минг қўй терилари намоиш қилинди. Кўргазмага қўйилган кулранг ва қора қўй териларининг 80 фоизи сотилди. Сур қоракўл терилари 9-12 доллар атрофида сотилди.[11.22-29 бетлар]

БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлок хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг маълумот беришича, 1967 йил дунё бўйича йилига 20 млн. дона қўй терилари тайёрланган. Жаҳон бозорида эса 40-45 млн. дона қоракўл терига эҳтиёж мавжуд эди.[12. 7]

Иттифокда жаҳон бозорлари талабидан келиб чиқиб, сифатли қўй териларини етиштиришни кўпайтиришга эътибор қаратилди. Насли ва зотдор қўйларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш тадбирлари олиб борилди. Зотдор қўй териларини ишлаб чиқариш мавсумий бўлди. Қўйчиликда асосий эътибор моддий, меҳнат, молиявий ресурслар ҳамда табиий бойликлардан имкони борича оқилона ва самарали фойдаланишга, ҳар бир хўжаликда энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаш эвазига қўй терилари маҳсулоти етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга қаратилди.

Қоракўлчилик маҳсулотлари учун нарх белгилашда маҳсулот етиштиришнинг ҳудудий

хусусиятлари ҳисобга олинмади. Ҳолбуки, чўл, чала чўл ва тоғ этаги зоналарида қоракўлчилик маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш шароити, ҳамда ем-хашак ва меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси бир хил эмас эди, шу сабабли нархлар зона хусусиятларига қараб табақалаштиришни талаб этди.

Сурхондарё вилоятида 1966 йили бир дона қўй терилари етиштириш учун 9,5 рубль сарфланган бўлса, 1973 йили бу 17,6 рубл бўлди. Ўзбекистонда қўй маҳсулотининг таннархи республика бўйича ўртача даражадан анча паст бўлган кўплаб хўжаликлар фаолият олиб борди. Масалан, “Сайроб”, “Сайхон”, “Дарбанд”, “Коммунизм” совхозлар шулар жумласидандир. Бу хўжаликларда насли ва зотдор қўй териларнинг таннархи 13-14,5 рублдан, 1 центнер жуннинг таннархи 175-223 рублдан ва 1 центнер қўй гўштининг таннархи 60-65 рублдан ошмади.[1]

1950 йил республикада 5 та наслчилик заводи бўлган бўлса, 1983 йилга келиб улар сони 8 та эди. Уларнинг ҳар бирида 75-80 минг бош қоракўл қўйлари боқилди. [13. 296-б]

XX асрнинг 60-йилларида хўжаликларнинг қоракўл тайёрлаш режаси ортиғи билан бажарилди. Масалан, 1969 йил Сурхондарё вилояти Қоракўлчилик трести режа бўйича 222600 дона қўй териларини тайёрлаши лозим бўлиб, амалда 320194 дона тери давлатга топширилиб, режа 143,8 фоизга бажарилди.[14. 81-б]

Қоракўл териси қимматбаҳо экспорт товар ҳисобланади. Агар қўйларнинг 400 га яқин тури бўлса, фақат битта қоракўл туридан қимматбаҳо мўйна олинади. XX асрнинг 70 йилларида умуман қўйларнинг Туркменистонда 93 фоизини, Ўзбекистонда 84 фоизини, Қозоғистонда 20 фоизини қоракўл қўйлар ташкил этди.[15.]

Республика вилоятларида қоракўлчилик трестлари ташкил этилди. Масалан, 1977 йили Сурхондарё вилояти қўйчилик совхозлари трестига 15 та совхоз бирлаштирилди.[16. 3-5 бетлар] “Сайроб”, “Коммунизм”, “Вандоб”, “Сангардак”, “Сайхон”, “СССР 50 йиллиги”, “Ўзбекистон”, “Чорвадор” каби совхозлар шулар жумласидандир. Бироқ турли сабабларга кўра қоракўлчилик совхозларида тери тайёрлаш режаси тўла бажарилмади. Вилоятда 1978 йил режага нисбатан 29889 дона қоракўл тери кам етиштирилди.[17. 12-15 бетлар]

Шерободда 1966 йил район бўйича қоракўл тери 102, Пилла 105 фоиз, жун 109 фоиз, полиз 104 фоиз, сут 106 фоизга бажарилди.

1971-1975 йилларда Шерободнинг давлатга маҳсулот етказиб беришни қуйидаги рақамлардан ҳам кўришимиз мумкин.

Йиллар	1971	1972	1973	1974	1975
Сут (тонна)	1290	1430	1600	1690	1760
Гўшт (тонна)	270	280	300	310	310
Жун (тонна)	167,3	176,3	176,3	180,3	180,3
қоракўл (тери минг дона)	12,1	13,6	14,6	17,6	19,1

Сурхон воҳасида маълумки қўйнинг икки тури кўпайтирилиб, боқилган. Булар қоракўл (қоракўл териси етиштириладиган қўйчилик) ва думбали қўйлар. Сурхондарёда думбали қўйлар боқиш кенг тарқалиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд: қозиқи, жойдори, (қозоқи ва ҳисори қўй чатишмаси), ҳисори. Ҳисори қўйлар асосан Денов ва Бойсун туманларида кўп боқилган. Яйловларни табиий шароити ва фойдаланишига қараб қуйидаги турларга бўлинган, тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғ олди ва чўл зонаси районларидаги кузги-қиш-ки-бахорги яйловлар, ўрта тоғ районларидаги баҳорги-ёзги яйловлар, юқори тоғ районларидаги ёзги яйловлар.

Денов, Шеробод ва Бойсун туманларидаги тоғ олди ҳудудларида асосан энг кўп ёғ ва гўшт қиладиган ҳисори қоракўллар боқилиб, ёз ойларида тоғ зоналарига ҳайдалган. Бу қўйларнинг жуни қирик, яъни дағал бўлган. Шеробод ҳудудида қўйларнинг бошқа турлари боқилиб, бу қўйлар: ислиқи қоракўй (ҳисори қоракўйларга қараганда кичикроқ, жуни ҳам майинроқ бўлган, қозоқи қўй ҳам деб аталган, ғалжаки (Афғонистон территориясидан ўтган), чибаланг (араби, қоракўл), кўрғўза (қозоқи ва чибалангдан урчиган) ва саржипаранг (Саржибой томонидан яратилган) турларга бўлинади.

Шундай қилиб, Сурхон-Шеробод воҳасида ота-боболаримиз асосан ҳисор қорақўй ва ислиқи қорақўйларни боқишган бўлиб, бу қўйлар тана ва думба тузилишига қараб ҳам турли хилда номланган. Масалан, капкирт думба, ойна думба, шалпи дума турларига бўлинган. Агар капкирт думба тури яхши боқилса думбасининг оғирлиги 30-35 кг гача етган. Ойна думбали тури кўпроқ танасига ёғ боғлаган. Шалпи думбали тури ҳам капкирт думбали турлича оғирликда ёғ берган, бироқ чорвадорлар бу турдан кўчқор танлашмаган. Сабаби, шалпи думбали ҳисори ва ислиқи қорақўйлар семиргандан кейин унинг юришини думбаси анчагина қийинлаштирган. Шунинг учун чўпонлар совуқларга бели ва бўйни узун, боши ва тумшуги чўзинчоқ, капкирт думбали кўчқорларни танлашган ва бир кўчқорни икки йилдан ортиқ қўймаган. Бунда ота-боболаримиз кўп нарсаларни ҳисобга олишган. Қўзилаётган совлиқни азобламаслиги, наслнинг бузилиб, майдалашиб кетмаслиги, кўп гўшт ва ёғ қилишлиги ҳамда яйловларда қийналмай ҳаракат қилишлиги каби жиҳатлар эътиборга олинган. Ҳисори ва ислиқи қорақўйлар сурхон воҳасининг турли бекликларида иқлим шароити ва яйловлардаги ўт-ўланларнинг кучли ёки кучсизлигига, поримли (ёқимли) ёки поримсиз (ёқимсиз)лигига ҳамда боқилишига қараб турлича вазнда бўлганлар. Масалан, ҳисори қўйлар Денов ва Сариосиё ҳудудларида, Ҳисор тоғ бағирларида 180-200 килограммгача, ислиқи қорақўйлар эса 90-110 килограммгача гўшт-ёғ қилган. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ҳисори ва ислиқи қора қўйларни асосан гўшти ва ёғи учун боқишган.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Жарқўрғон тарихидан лавҳалар - Турсунов Сайпулло, Тўхтаев Абдигани, Аннаева Зарифа, 146-147 бетлар
2. Собик Н.Боймуродов жамоа хўжалиги тарихи. –Термиз., 1994 йил, 26-б.
3. Турсунов С.Н, Қобилов Э.О. ва бошқалар. –Т., “Шарқ,” 2001 йил, 251- б.
4. Жарқўрғон ҳақиқати. 1974 йил, 3-февраль.
5. Жарқўрғон ҳақиқати. 1976 йил, 24-25 февраль
6. Валиев У. Давлатга сифатли қорақўл тери // Қизил Ўзбекистон 1960 йил, 8 апрель.
7. Эргашев А. Ҳам гўшт, ҳам тери. // Совет Ўзбекистон, 1965 йил 26 май.
8. Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1955. - №4. – С. 42-49.
9. Канцепальский А.С. Качество каракуля совхозов и колхозов за 1954-1955 гг. // Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1956. - №1. – С. 24-27.
10. Каплин А.А. Итоги 27-го Международного пушного аукциона в Ленинграде // Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1956.- №6.–С.19-22.
11. Бойко Д.Ф., Канцепольский А.С. Ленинградский пушной аукцион и очередные задачи каракулеводства // Каракулеводство и звероводство. – Москва. 1956. - №6. – С. 22-29.
12. Закиров М.Д. Каракул Узбекистана.–Ташкент: Узбекистан, 1970. – С. 7.
13. Зокиров.М. ва бошқалар. Қорақўлчилик. Тошкент.Ўқитувчи, 1983. – Б.296.
14. Абиркулов А. Проблемы размещения и развития животноводства в Узбекистане.- Ташкент. Фан, 1984, –С 81.
15. Қашқадарё ВДА, 498-фонд, 1-рўйхат, 143”а”-иш, 21-варак.
16. Жиякова В.С., Чепелева А.К. Основы каракульеводства. Алма-Ата. Кайнар. 1976. –С. 3-5.
17. Қашқадарё вилояти давлат архиви, 498-фонд, 1-рўйхат, 219-иш, 12-15 вар.